

ADOLAT

Ўзбекистон «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 20 (980) • 2014-yil, 16-may, juma

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ВА МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МЕРОСИ, УНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ РИВОЖИДАГИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли конференция иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, конференция иштирокчиларини, аввало, мухтарам меҳмонларимизни — нуфузли халқаро ташкилот ва тузилмалар, илмий тадқиқот марказлари, университет ва олий таълим муассасалари раҳбарлари ва вакилларини, таникли олим ва мутахассисларни қутлаб, мазкур Форумда катнашиш ҳақидаги таклифимизни қабул қилганингиз учун юксак ҳурмат-эҳтиромим ва миннатдорлигимни билдириш менга катта мамнуният етказди.

Бугунги конференциямиз ўзининг салкам уч минг йиллик тарихи мобайнида дунё цивилизацияси ва турли халқлар маданияти чорраҳаси бўлиб келган ва келаётган Самарқанд шаҳрида ўтказилаётгани бу анжуманга алоҳида маъно-мазмун бағишлаб, унинг аҳамиятини янада оширади.

Кўхна ва ҳамиша нақирон Самарқанд шаҳри бетакрор шарқона руҳи ва қиёфаси, бой тарихи, бу ерда сақланиб қолган ноёб, ҳар қандай одамни ҳайратга соладиган обидалари билан сайёрамизнинг турли ўлкаларида афсонавий шаҳар сифатида маълуми машҳурдир. Мовий гумбазлари миллионлаб сайёҳларни ўзига мафтун этадиган Самарқанднинг Рим билан бир қаторда "абдий шаҳар" деган ном билан бутун дунёда шуҳрат қозонгани бежиз эмас, албатта.

Мана шу шаҳарда тугилиб-ўсган, воёга етган инсон сифатида менга бу шаҳарда яшаётган барча-барча инсонлар номидан сизларга ўз самимий меҳмондўстлигимизни изҳор этиш ва "Азим Самарқандга хуш келибсиз!" деб қўлаш катта мамнуният етказди.

Қадрли дўстлар! Бугунги конференциямизнинг мақсади — Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб иқдор этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур муҳокама қилиш ва аниқлаш, унинг замонвий цивилизация тарихида тугган ўрни ва ролига баҳо беришдан иборат.

Ана шу бебаҳо илмий меросини янада теран тадқиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга янги туртки бериш, Шарқнинг улғуллолари томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонвий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини очиб беришнинг аҳамияти ҳам шунчалик муҳим деб ҳисоблайман.

Ўрта асрлар Шарқ тарихи шундан далolat берадики, маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги бежиз юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлқинининг пайдо бўлиши ва воёга етиши — буларнинг барчаси биринчи навбатда иқтисодий, қишлоқ ва шаҳар ҳўжалигининг анча жадал ўсиши, ҳунармандлик ва савдо-сотиқнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги карвон йўлларининг очилиши ва авваломбор нисбий барқарорлигининг таъминланиши билан бевоқиф бўлиб кетган.

Мен бу фикрга алоҳида ургу бериб айтмоқчиман. Чунки, тинчлик ва барқарорлик бўлмаसा, илм-фан соҳасида ҳеч қандай ўсиш, тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Қарерда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина илм-фан марказлари, академиялар, олий ўқув юрталари пайдо бўлади. Энг асосийси, таълим-тарбия раванқ топиб, унга қизиқиш, эътибор қўлади. Тинчлик-барқарорлик бўлган жойдагина

одамлар ўқиб-ўрганишни, ҳар томонлама ривожланишни истайди. Одамлар кечаси уйкуга ётиб, эрталаб туришга қўрқмайдиган, эртага уларнинг бошига қандайдир муаммо ёки офатлар келмаслигини билган тақдирдагина шундай бўлади. Бу ҳақиқат кўп асрлар давомида ўз тасдиғини топган ва ишончим комилки, бугун бу мавзуда гапиришнинг ўзи ортқича.

Шарқ оламида, хусусан, Марказий Осиё халқлари ҳаётида ривожланган маданиятнинг мавжуд бўлгани ҳақида қадимги бактрия, сўғд, ўрхун, хоразм ёзувларида битилган ёдгорликлар, деворий тасвирий санъат асарлари ва ҳайкалчалар, архитектура намуналари далolat беради.

XI-XIII асрларда асос солинган Хоразм давлати, Форс кўрғазигача бўлган ҳудудлардаги кўшни халқлар ерларини бирлаштирган ҳолда, Осиё қитъасининг катта қисмини қамраб олган.

Милодгача бўлган II асрдан милодий XV асрга қадар қадимий халқаро транспорт артерияси вазифасини бажариб, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ, Ўртаер денгизи минтақаси каби ҳудуд ва мамлакатларни боғлаб келган Буюк Ипак йўлининг улкан, беқийс ролини баҳолашнинг ўзи қийин.

Мазкур йўл нафақат юқорида зикр этилган ҳудудлар ўртасида савдо-сотиқ алоқаларини, балки қитъалар ва давлатлар ўртасида ахборот алмашувини таъминлашга хизмат қилди, янги технология ва ишланмаларнинг (ипак, чинни буюмлар, порох, қоғоз ва бошқа кўплаб маҳсулотлар) тез тарқалишида, қишлоқ ҳўжалиги экинлари ва агротехнологияларнинг, шунингдек, маданий қадриятларнинг ривожланишида муҳим восита вазифасини бажарди ва шу тариқа цивилизациялараро мулоқот ва технологиялар алмашуви учун шарт-шароитлар яратди.

Бу даврларда турли мамлакатлар халқларининг илмий билими ва ютуқлар билан бир-бирини бойитиб бориши алоҳида роль ўйнади. Буюк Ипак йўли орқали Европага, Европадан эса Осиёга Шарқ ва Фарб оламидаги улғулло ва мутафаккирлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар етказилди. Сократ, Платон, Аристотель, Птоломей ва антик даврга мансуб бошқа буюк алломаларнинг илмий асарлари, гоё ва кашфиётларини ўрганиш учун амалий имконият вужудга келди.

Маълумки, ўша даврларнинг анъаналарига кўра, маърифат-парвар мутафаккир ва файласуфлар, олимлар ва шоирлар одатда ҳўкмдорлар ва султонлар саройларида паноҳ топланган. Улар орасида IX-XI асрларда Хивада ташкил этилган Маъмур академияси ва «Байтулҳикма», яъни «Донишмандлик уйи» деган ном билан шуҳрат қозонган Бағдод академиясида, шунингдек, XV асрда Самарқандда шаклланган Мирзо Улуғбекнинг илмий мактабида самарали меҳнат қилган бир гуруҳ олимлар бутун дунёга донг таратдилар.

Тадқиқотчи-олимларнинг фикрича, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX-XII ва XIV-XV асрларда бамисоли пўртанадек отилиб чиққан икки қудратли илмий-маданий юксалишининг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларида ижобий таъсир кўрсатган Шарқ уйғониши даври — Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.

Шу билан бирга, кўплаб тадқиқотчилар қайд этганидек, агар

Европа Уйғониши даврининг натижалари сифатида адабиёт ва санъат асарлари, архитектура дурдоналари, тиббиёт ва инсонни англаш борасида янги кашфиётлар юзга келган бўлса, Шарқ Уйғониши даврининг ўзига хос хусусияти, аввало, математика, астрономия, физика, химия, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиётнинг ривожланишида намоён бўлди.

Ўрта асрларнинг илк даврида Шарқда амалга оширилган буюк илмий кашфиётлар ҳақида гапирар эканмиз, замонвий математика, тригонометрия ва география фанлари тараққиётга беқийс хисса қўшган Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий номи биринчилар қаторида тилга оламиз. У ўзлик позицияда астрономия фанлари ривожига кескин бурилиш ясади.

Ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди, илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиқди, у астрономия, география ва иқлим назарияси бўйича кўплаб илмий асарлар муаллифидир. Алломанинг дунё илм-фани ривожиданги хизматлари умум-эътироф этилган бўлиб, Шарқ олимлари орасида фақат унинг номи ва асарлари «алгоритм» ва «алгебра» каби замонвий илмий атамаларда абадийлаштирилди.

Аҳмад Фарғоний томонидан IX асрда яратилган "Астрономия асослари" фундаментал асариде оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчоғи ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишига эга экани хусусидаги далиллар мавжуд бўлиб, мазкур китоб XVII асрга қадар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган ҳамда Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган. Аҳмад Фарғонийнинг амалий ютуқларидан бири унинг ўрта асрлардаги асосий астрономия асоси — устурлоб назариясини ишлаб чиққани ва шунингдек, Нил дарёсида "ниломер" деган, кўп асрлар давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машҳур иншоотни яратгани бўлди.

Мен Ўзбекистон Республикаси Президентини сифатида Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида бўлганимда, ана шу ниломерни кўриб, бу улғул аждоимизнинг илмий даҳоси олдида яна бир бор ҳайратга тушиш бахтига муяссар бўлдим.

Фазовий тригонометрия асоси деб тан олинган, ўзининг математика ва астрономия соҳасидаги кашфиётлари билан шуҳрат қозонган яна бир буюк аллома Абу Наср ибн Ироқдир. Уни ҳақли равишда "Иккинчи Птоломей" деб атайдилар.

Улуғ қомусий аллома Абу Райхон Берунийнинг илмий даҳоси билан яратилган мислсиз кашфиётларга тўлиқ баҳо беришнинг ўзи қийин. Берунийнинг 150 дан зиёд илмий ишларидан бизгача фақат 31 таси етиб келганига қарамастан, аллома қўлэмаларининг қўлимиздаги ана шу тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серқирра мерос қолдирганидан далolat беради.

Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шар-

симон глобусини яратиб юзасидан ўзига хос янги гоёларни таклиф этди. Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изохлаб берди. Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бугун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан "Беруний асри" деб аталishi бежиз эмас.

"Ислом оламнинг энг машҳур файласуфи ва қомусий алломаси ҳамда инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири" деган унвонга сазовор бўлган Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти авлодларда алоҳида гурур ва эҳтиром туйғуларини уйғотди. Илмий тадқиқот ишларини 16 ёшида бошлаган бу улғул зот ўз умри давомида 450 дан ортқ асар яратди. Уларнинг асарияти аввало тиббиёт ва фалсафа, шунингдек, мантик, кимё, физика, астрономия, математика, мусика, адабиёт ва тилшунослик соҳаларига бағишланган. Леонардо да Винчи, Микеланжело, Френсис Бэкон ва бошқа кўплаб олимлар авлоди унинг асарларини ўқиб, ҳайратга тушганлар.

Биз доим гурур ва ифтихор билан эътироф этамизки, тиббиёт тарихида энг машҳур номи ва асарлари «алгоритм» ва «алгебра» каби замонвий илмий атамаларда абадийлаштирилди. Биз доим гурур ва ифтихор билан эътироф этамизки, тиббиёт тарихида энг машҳур номи ва асарлари «алгоритм» ва «алгебра» каби замонвий илмий атамаларда абадийлаштирилди.

Ибн Сино ва Берунийнинг бизгача етиб келган Аристотелнинг "Коинот ҳақида китоб" асарига тааллуқли ёзишмалари буюк алломаларимизнинг илмий мулоқот олиб бориш, антик давр фалсафий қарашларини чуқур англаш ва уларни ривожлантириш борасида нақадар юксак даражада кўтарилганининг мумтоз намунаси.

X-XI асрларда Хоразм заминда ижод қилган Беруний, Ибн Сино ва бошқа буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг хизматлари уларнинг илмий ишлари ва асарлари доираси билангина чегараланиб қолмайди, балки инсониятнинг интеллектуал тарихида чуқур из қолдирган илмий мактаб — Хоразм Маъмур академиясини шакллантиришдек муҳим масалани ҳам қамраб олади.

X асрнинг қомусий алломаси Абу Наср Форобийнинг замондошлари, универсал билимларга эга бўлгани боис, "Шарқ Аристотели" деб атаганлар. У кўплаб фанларни илмий кашфиётлар билан бойитди, турли мамлакатлар олимларининг фалсафий қарашларини ривожлантирди ва 160 дан ортқ асар ёзди. Улардан энг машҳурлари "Моҳият хусусида сўз", "Фанларнинг пайдо бўлиши ҳақида китоб", "Тафаккур моҳияти" ва бошқа асарлар ҳисобланади. Форобий асарларининг асосий қисми кўплаб Европа ва шарқ тилларига таржима қилинган ва ҳозирги кунга қадар чуқур тадқиқотлар мавзуси бўлиб келмоқда.



Буюк аждодларимиз мероси — бутун инсониятнинг маънавий бойлиги



Самарқанд шаҳридаги Қабуллар уйида 15 май куни "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонвий цивилизация ривожиданги роли ва аҳамияти" мавзусида халқаро конференция бошланди.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда яна бир муҳим қадам

➤ Қонун кучга кирди

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш, юртдошларимизга ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий соҳаларда кечаётган ислохотлар хусусида, уларнинг туб мазмун ва моҳияти, мақсади ҳақида кенг маълумотлар бериш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартларидандир.

Экспертлар, кенг жамоатчилик вакиллари ва хорижлик мутахассислар ҳам айнан шу нуқтаи назардан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунини чиққ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қиладиган муҳим ҳужжат, дея эътироф этмоқдалар.

Жамиятни фаровонлаштиришга янги назар билан

➤ Ҳудудий партия ташкилотларда

Сафдошларим билан ҳар сафарги мулоқотлар чоғида ижтимоий ҳаётнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган анжуманларни таҳлил этиш асосида шундай хулосага келиш мумкин. Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг қуйи бўғинларида сиёсий ишлар самарадорлигини таъминлаш учун ўзига хос масъулия, ижро интизоми шаклланмоқда. Ҳуқуқ, бурч, ваколатларни англаш ва шу асосда ислохотлар жараёнига таъсир кўрсатишга интилиш кучаймоқда.

Давлат мулкни бошқариш:

янги қонун лойиҳасида тўлароқ акс этмоқда

➤ Депутат минбари

Иқтисодийётни ислоҳ қилишнинг бугунги кундаги босқичида хусусий мулк институтини мустаҳкамлаш ва иқтисодийётда хусусий секторнинг улўшини ошириш баробарида давлат мулкни бошқаришнинг самарали тизимини яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Маънавият ва гурур кошонаси

Ушбу маънавият маскани Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида бунёд этилган, 1996 йил 18 октябрда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйи муносабати билан тантанали суратда очилган.

ЮНЕСКО БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ХУБЕРТ ГИЗЕННИНГ НУТҚИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийлари!

Хурматли конференция иштирокчилари! Хонимлар ва жаноблар! Буюк Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган мана шу муҳим тадбирда иштирок этиш мен учун катта шараф. Бу шаҳар Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган афсонавий шаҳар, илм-фан, санъат, маданият ва меъморлик маркази. Бу дунё аҳамиятига молик шаҳардир. "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти" деб ном олган мазкур халқаро конференциянинг ўтказиш учун, ўйлаётганимиз, бундан ҳам яхшироқ жойни танлашни тасаввур қилиб бўлмас керак.

Энг аввало, ЮНЕСКО учун катта аҳамиятга эга бўлган мавзуга бағишланган ушбу муҳим тадбирни ташкил этгани ҳамда Ўзбекистоннинг таълим-тарбия, илм-фан, маданият, коммуникация ва ахборот соҳаларини ривожлантириш борасидаги қатъий садоқати учун Президент Ислам Каримовга ва Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдирмоқчиман.

Ўтган йилнинг август ойида ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова хоним Президент Ислам Каримов билан биргаликда бугун биз тўпланган мана шу масканга яқин бўлган муазам Регистон майдонида "Шарқ тароналари" 9-халқаро фестивалининг тантанали очилиш маросимида иштирок этган эди. ЮНЕСКО Бош директорида ушбу ташриф жуда илқ таассурот қолдирганини ва у киши Сизга, Президент Жаноби Олийлари, ва конференциянинг барча иштирокчиларига энг самимий табрик ва тилакларини етказишимни сўради.

Хонимлар ва жаноблар! Ушбу конференциянинг айнан Самарқандда ўтказилаётгани жуда катта рамзий маънога эга. Бу кўна шаҳар дунё аҳамиятига эга бўлган учун ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатида киритилган ва унда "Самарқанд — маданиятлар учрашадиган макон" деган сўзлар ёзиб қўйилган.

2750 йиллик тарихга эга бўлган Самарқанд шаҳри Марказий Осиёдан, жумладан, афсонавий Буюк Ипак йўлидан ўтган дунё маданиятлари ва йирик савдо йўлларининг чорраҳасида жойлашган. Марказий Осиёдаги Шарқ Ренессанси ҳам буюк аждодимиз Амир Темур томонидан яратилган қудратли ва гуллаб-яшнаган давлатнинг пойтахти — Самарқанд билан чамбарчас боғлиқдир.

Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Ал-Фарғоний, Алишер Навоий каби буюк аллома ва мутафаккирлар дунё илм-фани, фалсафа ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшганлар ва ушбу минтақа довуғини бутун жаҳонга таратдилар. Улар амалга оширган тадқиқотлар ва илмий ишларнинг натижалари бир неча асрлар давомида Европанинг етакчи университетларида илм-фаннинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилган ва бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмасдан келмоқда.

Демак, ушбу алломаларнинг илмий ва ҳаётий жасорати, бебаҳо кашфиётлари нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки бошқа қитъаларда ҳам бугунги давр олимлари, айниқса, ёшлар учун сабоқ бўлиб келмоқда, ўрнат ва намуна вази-фасини ўтмоқда. Бу эса биз учун халқаро миқёсда илмий фикрлашув доирасини кенгайтириш борасида ибрат бўлиб, илмий тадқиқотлар самарадорлигини янада оширишга имкон беради.

ЮНЕСКО турли минтақалар олимлари ўртасидаги учрашувлар ва тажриба алмашувлар бу жараёнга жалб этилган барча халқларнинг фаровонлигини оширишга ёрдам беришига ишонч билдиради. Чунки бу ўзаро ҳамфикрлик муҳитини яхшилайдиган, пировардида ижтимоий уйғунликни мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Шундай қилиб, бундай мулоқот ва фикр алмашувлар ЮНЕСКОнинг асосий миссиясида алоҳида ўрин тутадиган инсоният тафаккурида тинчликни ҳимоя қилиш тамойилларини қарор топтириш борасида энг муҳим омил вази-фасини ўтайди.

Кейинги 40 йилда ЮНЕСКО Марказий Осиёда мулоқот ва тадқиқотларни кучайтиришга қаратилган бир қатор аҳамиятга молик ташаббусларга етакчилик қилиб келган. Олти йилдан иборат бўлган, "Марказий Осиё цивилизациялари тарихи" деб номланган китоблар туркуми ушбу минтақанинг тарихи, маданияти ва илмий йўналишларининг ўта чуқур ва муҳим илмий тадқиқотлари самарасидир. Бундан ташқари, яқинда ЮНЕСКО Буюк Ипак йўли масалалари бўйича билимлар алмашиш учун мўлжалланган, турли илмий йўналишлардаги ёндашувлар орқали олим ва тадқиқотчиларни бириктиришга қаратилган "Ипак йўли" онлайн платформаси инновацион ташаббусини амалга оширишни бошлаб юборди. Ушбу ташаббус, Осиё, Африка ва Европанинг 55 та мамлакатини бириктирган ҳолда, халқаро ҳамкорлик, ривожланиш ва мулоқот юритиш мақсадида Буюк Ипак йўлини замонавий рақамли маконда қайта тикламоқда.

Хонимлар ва жаноблар! Кеча Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада, Паркентдаги Кўёш энергетикаси бўйича халқаро марказда, Ботаника боғида бўлиб ўтган қатор учрашувлар ҳамда ўзбек олимлари билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбати чоғида мен илм-фан соҳасидаги Ўзбекистон тараққиётининг асосий босқичлари билан шахсан танишдим. Шунингдек, мен раҳбарлар, олимлар ва талабалар билан биз умид қилаётган ёрқин келажак режаларини амалга оширишда илм-фан, технология ва инновацияларнинг роли тўғрисида фикр алмашиш имконига эга бўлдим.

Шуни айтмоқчиманки, ташрифим давомида мен ёш авлод вакиллари — ўқувчилар, талабалар, ёш олимлар ва оддий одамларнинг мамнун чеҳрасига алоҳида эътибор қаратдим. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон — келгуси тараққиёт учун ишончли пойдевор сифатида хизмат қиладиган ёшлардан иборат, ўқимишли, руҳи ва маънавияти юксак инсонлар мамлакатини эканидан далолат беради.

Айни пайтда бундай ташриф ва фикр алмашувлар Ўзбекистон раҳбарияти, ўрта асрлар Шарқининг таълим-тарбия, илм-фан ва маърифатни ривожлантиришдаги юксак аъёнларининг давом эттириши ҳолда, илм-фан ва таълимни ривожлантириш масалаларига нақадар муҳим аҳамият бераётгани мамлакат келажакни шакллантиришда илгор билимларини жалб қилиш вази-фасига қанчалик содиқлигини намойён этди. Президент Ислам Каримов Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқининг бу йўналишда эришган натижалари ва саъй-ҳаракатларига тасаннолар айтишимизга ижозат бергайсиз.

Биз ўтмиш тажрибасидан фойдаланамиз ва барқарор келажак интиламиз. Шундай қилиб, мазкур анжуман тарихга назар ташлаб, эришилган билимлар, ақл-заковат ва салоҳият ютуқларидан фойдаланиб, уларга таянган ҳолда барчамиз учун барқарор келажакни барпо этишга қулай имконият яратмоқда. Эътиборингиз учун ташаккур.



Буюк аждодларимиз мероси — бутун инсониятнинг маънавий бойлиги

Давоми. Боши 1-бетда

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ушбу халқаро анжуманда АКШ, Буюк Британия, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Япония, Хиндистон, Миср, Индонезия, Саудия Арабистони, Кувайт, Россия, Озарбайжон каби элликка яқин мамлакатдан олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, олий таълим муассасалари профессорлари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари, экспертлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов халқаро конференциянинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

ЮНЕСКО Бош директори-нинг ўринбосари, Осиё ва Тинч океани минтақавий бюроси директори Хуберт Гизен ўрта асрлар Шарқ алломаларининг дунё тамаддунида турган ўрни, илм-фан ва санъат ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритди. Мамлакатимизда миллий кадрларни тиклаш, бой тарихимизни ўрганиш, фан ва таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Конференцияда ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг ҳаёти ва илоҳи, уларнинг тарихий мероси ва илмий мактаблари фаолияти ҳақида видеофильм намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан истиқлол йилларида буюк аждодларимизнинг номлари тикланди. Уларнинг ҳаёти ва бебаҳо меросини ўрганиш, қадамжоларини обод этиш ва асраб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгилликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун аввало асрий аъёнлар, нафалар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак.

Ана шундай эзгу мақсад ва тафаккур билан яшаган халқимиз жаҳон тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Шарқу Фарбни ўзаро боғлаган, буюк цивилизациялар туташган юрти-миз ҳудудидан илм-фан, маданият азалдан ривожланган. Айниқса, ўрта асрларда она заминимиздан минглаб олимлар шoirлар, буюк мутафаккирлар етишиб чиққан. Уларнинг математика, физика, кимё, астрономия, этнография, тиббиёт, тарих, адабиёт, ахлоқ, фалсафа каби кўплаб соҳаларга

оид асарлари, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шахрисабз, Термиз ва бошқа шаҳарлардаги қадимий обидалар бутун баширнинг маънавий мулки ҳисобланади.

Уша даврдаги энг буюк мутафаккир олимлардан бири Муҳаммад Мусо Хоразмийдир. Бугун бутун дунё фойдаланадиган ҳисоб-китоб амаллари, замонавий технологиялар фаолияти ана шу бобокалонимиз яратган қондаларга асосланади.

Бутун дунё Хоразмийнинг илм-фан ривожига йўлидаги ҳиссасини юксак қадрлайди, уни вояга етказган заминга алоҳида эътиром билан қарайди.

Аҳмад Фарғонийнинг "Астрономия асослари" номли асари ўн иккинчи асрда лотин ва иврит тилларига таржима қилинган, кейинчалик Италия, Германия, Франция, Голландия ва Тинч океани минтақавий бюроси директори Хуберт Гизен ўрта асрлар Шарқ алломаларининг дунё тамаддунида турган ўрни, илм-фан ва санъат ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритди. Мамлакатимизда миллий кадрларни тиклаш, бой тарихимизни ўрганиш, фан ва таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Алломанинг Ер шарсимон шаклда эканлиги борасидаги қарашларини орадан саккиз илмий ўтиб амалда исботлаган машҳур сайёх Христофор Колумб "Ер меридианининг бир даражаси миқдори ҳақиқатда ал-Фарғоний ҳисобларининг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилдим", дея дастхат қолдирган. Ун олтинчи асрда Ойдаги қратерлардан бирига бобокалонимиз номи берилган.

ЮНЕСКО қарорига мувофиқ 1998 йилда Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Бу буюк аждодимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси, халқимиз илмий салоҳиятининг яна бир эътирофи бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Кува ва Фарғона шаҳарларида мутафаккир хайкаллари бунёд этилди, Фарғона давлат университетига Аҳмад Фарғоний номи берилди.

Ўрта асрларда Шарқ илм-фани ривожига Хоразм Маъмур академияси алоҳида ўрин тутган. Улкан кутубхона, мад-нараса, таржимон ва хаттотлар мактаби каби тузилмаларга эга бўлган бу даргоҳда юздан ортиқ алломалар, истеъдодли талабалар илмий изланишлар олиб борган. Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Махмуд Хўжа-ндий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад ибн Хамид Назамий каби қомусий олимларнинг умумбашарий тафаккур ривожига қўшган ҳиссаси бекиёсдир.

Ибн Сино номи дунё фани ва маданияти тарихига зарҳал харфлар билан битилган. Доймо яшил бўлиб турувчи тропик ўсимлик "Авиценна" деб аталган. Кўплаб мамлакатларда кўчалар, ўқув ва тиббиёт муассасаларига унинг номи қўйилган, аллома шарафига медал ва мукофотлар таъсис этилган.

Президентимиз Ислам Каримов 1998 йил 6 ноябрда ЮНЕСКОнинг халқаро Абу Али ибн Сино олтин медали билан тақдирланди. Бу олий мукофот халқимизнинг умумбашарий цивилизация тараққиётига қўшган ҳиссаси ва хизматининг таълим, давлатимиз, томонидан тарихий, маданий, маънавий меросини асраб-авайлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилган ишларнинг муносиб баҳо-сис бўлди.

ЮНЕСКО шафелигида Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги нишонлангани, унинг фаолияти қайта ташкил этилгани мамлакатимизда аждодлар хотирасига, илм-фан ривожига қаратилган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Хозир бу қадимий ва навқирон илм масканида Хоразм тарихи, унинг ўзига хос маданияти, экологияси, ер ва сув ресурсларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар давом эттирилмоқда.

Мирзо Улуғбек юртимизнинг бир қатор шаҳарларида мадрасалар қурдирган, Самарқандда ўзига хос илмий муҳити, хозирги тилда айтганда, академия ташкил этган. У ерда 200 дан ортиқ олим фаолият юритган.

Фалакиёт илмининг назарий ва амалий масалалари тўла қамраб олинган Улуғбекнинг "Зижи"и ўрта асрлардаёқ Осиё ва Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Европатлик астроном олимлар уни лотин, француз, инглиз тилларига таржима қилган, шарҳлар битган.

"Зижи Улуғбек", «Зижи жадиди Кўрагоний» номлари билан шухрат қозongan бу асарда 1018 юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган. Юлдузларнинг баландлиги ва улар орасидаги масофа, кўёш ва ойнинг ҳаракати, уларнинг тутилиш вақтлари баён қилинган. Бу ҳисоб-китоблар замонавий технологиялар орқали аниқланган кутузат натижаларидан деярли фарқ қилмайди.

Масалан, Улуғбек ҳисоби бўйича бир йил 365 кун 6 соат 10 дақиқа 8 сонияни ташкил этади. Бугунги кунда бир йил 365 кун 6 соат 9 дақиқа 6 сонияга тенг.

"Бу ҳақда сўз юритар экан-миз, беихтиёр 1996 йили Паркида ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош директори Федерико Майор жаноблари билан бўлган бир суҳбат ёдимга тушади, — деб ёздади Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида. — Ушунда жаноб Майор Улуғбекнинг илмий меросини юксак баҳо-

лаб, унинг юлдузлар ҳаракати оид ҳисоб-китоблари бугунги кунда компьютер ёрдамида текшириб қўрилганда атиги бир неча дақиқага фарқ қилиши аниқланди, деган гапни айтиб қолди. Шунда мен унга қараб, йўқ жаноб Федерико Майор, Улуғбек хато қилган бўлиши мумкин эмас, балки компьютерлар хато қилган бўлиши мумкин, деган эдим".

Истиқлол йилларида Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1994 йил мамлакатимизда Улуғбек йили, деб эълон қилинди. Уша йили Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Париж шаҳридаги ЮНЕСКО қароргоҳида буюк алломанинг илмий мероси ва унинг аҳамиятига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди.

Мирзо Улуғбек сиймоси халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланб қолган. Юртимизда Улуғбек номи берилган туман, маънавий масканлар, маҳаллалар, кўчалар кўп. Ота-оналар эзгу ниётлар билан фарзандларига Улуғбекнинг муборак исмини қўйишадиган бўлишга қарайди. Буларнинг барчаси халқимизнинг буюк алломага чеклан турмадан дарак беради.

Бутун дунёда буюк аждодларимизнинг сўнас даҳосига хурмат-эътиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳақида юқори бўлган. Бунинг тасдиғини турли мамлакатларда уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги ва бадиий асарлар яратилган, улуг аждодларимиз хотирасига ёдгорликлар барпо этилганда ҳам қўриш мумкин. Бельгия ва Латвияда Ибн Синога, Латвияда Мирзо Улуғбекка, Япония, Россия ва Озарбайжонда Алишер Навоийга, Мисрда Аҳмад Фарғонийга ўрнатилган хайкаллар халқимиз тарихига чуқур хурмат ифодасидир.

"Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига қўшган роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциянинг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши беҳиз эмас. Зеро, бу шаҳар жаҳон цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан биридир. Бу ердаги обидалар, маданий ёдгорликлар аждодларимиз даҳосидан, олис ва буюк ўтмишдан сўзлайди. Самарқанднинг гўзал ва сўлим табиати, қадимий ва замонавий иншоотлари бутун дунёни ўзига мафтун этиб келади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Самарқанд туپроғининг ҳар бир заррасида улуг бир ҳикमत бор, ҳар бир

кўчаси, майдон ва хиёбонидан салобат, файзу тароват бор. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг ҳар бир гиш-тида бунёдкор халқимизнинг буюк истеъдоди ва маҳорати, боқий қадриятлари мўжассам.

Истиқлол йилларида Самарқанд ўзгача тароват ва маҳобат касб этмоқда. Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Самарқандда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳар марказида Соҳибқирон бобомизнинг салобатли хайкали қад ростлади. Улуғбек расадхонаси ва мадрасаси қайта таъмирланди. Президентимиз фармонига мувофиқ 1996 йил 18 октябрь кун Самарқанд шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланди. Шундан буён бу кун юртимизда Самарқанд кун сифатида нишонлаб келинмоқда.

Самарқанд тарихини ўрганиш истиқлол йилларида изчиллик касб этди. Хусусан, Афросиёб тепаликларида олиб борилган кенг қўламли археологик тадқиқотларда шаҳар арқининг энг қуйи қатламлари ўрганилди. Эрамиздан аввалги VIII-VII асрларда бунёд этилган бу девор Марказий Осиёдаги энг қадимий мудофаа истеҳкоми ҳисобланади. Бу ердан топилган кўна буюмлар Франция илмий тадқиқотлар миллий марказига қарашли лабораторияда тадқиқ қилинди. Таҳлиллар Афросиёб ашёлари 2750 йиллик тарихга эга эканлиги кўрсатди.

ЮНЕСКО Бош конференцияси қарорига мувофиқ, 2007 йилда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги кенг нишонланди. Ушбу қутлуғ тўй арафасида боқий шаҳар янада гўзаллашди. Ўнлаб ижтимоий-маиший иншоотлар, кўркам боғлар, хиёбонлар барпо этилди. Амир Темур макбараси, Регистон майдони, Бибиҳоним ва Шоҳи Зинда ёдгорликлари ҳамда Улуғбек расадхонасини бир-бирига боғловчи кичик халқа йўлининг қурилиши шаҳар ахли ва сайёҳлар учун яна бир қулайлик яратди.

Президентимиз раҳбарлигида Самарқанднинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, иккинчи сўй салохиятини юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар аҳолиси ва меҳмонларга ҳар томонлама муносиб шароит яратиш мақсадида барпо этилган магистрал йўллар, боғу хиёбонлар, таълим муассасалари ва спорт майдончалари, тиббиёт масканлари ва меҳмонхоналар қадим шаҳар кўрғига кўк қўшмоқда.

Самарқанд шаҳрида яна бир мухташам мажмуа — Қабулгар уйи барпо этилди. Регистон майдонида таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Самарқанд халқаро аэропорти ва темир йўл вокзали атрофи ободонлаштирилди.

Халқаро анжуман иштирокчилари Амир Темур макбараси, Расадхона, Афросиёб ва Улуғбек музейлари билан танишди. Улар истиқлол йилларида Самарқанд шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Анжуманнинг ялғи мажлисида АКШнинг Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, профессор Фредерик Старр, япониялик бобуршунос олим, Рюоку университети профессори Эйжи Мано, Қоҳира университети профессори Магида Махлуф, "Абу Али ибн Сино — Франция" уюшмаси президенти, профессор Марк Боннел, бельгиялик профессор Юль Янссен, Нидерландиянинг Утрехт университети доценти Вильфрид де Грааф, Япониянинг Токаи университети профессори, шарқшунос олим Масатака Такеши, Хитой Фан ва технологиялар университети тарих ва археология факультети раҳбари, профессор Ши Юнли, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Эдвард Ртвеладзе ва бошқалар ўрта асрлар Шарқ алломаларининг ҳаёти, илмий фаолияти ҳақида маъруза қилди.

Халқаро конференция шўъба мажлисларида давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ, Гўлиб ҲАСАНОВ, ЎЗА махсус мухбирлари

Суратларда: конференция қатнашчилари.

Сарвар ЎРМОНОВ, Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар

Жамиятни фаровонлаштиришга янги назар билан

Ганни айнан партиянинг куйи бўғини ҳисобланган БПТлар фаолиятидаги ижобий ёндашувлардан бошлаганим бежиз эмас. Чунки бошланғич ташкилот бизни бевосита меҳнат жамоаси ёки маҳалла, ўқув юртли билан боғлаб, сиёсий ҳаракатларимизга аниқ йўналиш бериб туривчи ва пировардида партиянинг омма ора-сидаги нуфузини белгилловчи, аҳолининг турли қатламлари ва гуруҳлари қонуний манфаатларини рўйбга чиқарувчи куч ҳисобланади.

Бугун Самарқанд вилоятининг ишлаб чиқариш салоҳияти юқори бўлган ўнлаб саноат корхоналари, ҳар кун юзлаб кишилар мурожаат қиладиган давлош-тиббиде муассасалари ва фуқаролик жамияти институтининг мустақам негизи ҳисобланган маҳаллаларда "Адолат" СДПнинг 385 та бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда.

Биз партиянинг худудий кенгашилари бошланғич ташкилот раислари ва аъзоларини сиёсий ётуқ, ҳақиқий саводхон, ўз меҳнат жамоасида ташаббускор, ижтимоий муаммоларга нисбатан сезгир, куйинчак кишилар ҳисобига шакллантиришга ҳаракат қилаёғимиз. Ва, албатта, уларнинг партия низоми асосида мустақил фаолият юритишларини рағбатлантиришга, амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга интиляёмиз. Мақсад сиёсий ишлар самардорлиги учун партиянинг куйи бўғинида ҳам шахсий масъулият, ташаббускорликни юзага келтириш, умумий фаолиятда аниқ натижаларга эришишдан иборат". Бу борада БПТлар ишини, аниқроқ уларнинг муайян меҳнат жамоаларидаги ижтимоий вазият бўйича мурожаатларини маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ҳозиржавоблик билан ўрганиб, ҳал этишга тайёр туришадиганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Демак, партия кенгаши, депутатлар ва БПТлар ягона сиёсий платформада туриб ҳаракат қилишлари ислохотлар жараёнига таъсир кўрсатиш учун ташаббусни ўз қўлларига олишлариға имкон бермоқда.

Биз БПТлар иштирокида ижтимоий соҳалардаги муаммолар билан мавсумий тарзда шуғулланиш билан қиёфаланмай аниқланган камчиликлар-



Махмуд БОБОЁРОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилояти кенгаши раиси

ни бартараф этиш билан тизимли равишда курашишни йўлга қўймоқдамиз.

Энди шундай мулоҳаза туғилади: биз ижтимоий соҳалардаги муаммолар билан айрим худудлар доирасида шуғулланганимиз, уларни бартараф этишимиз камлик қилади. Башарти биз муаммога дахлдор соҳа раҳбарларининг ҳисоботларини эшитсак, бошқарувда очикликни таъминласак, фаровонлик йўлидаги сунъий тўсиқлар бошқа худудларда ўз ўзидан бартараф этилади. Ижро интизоми, масъулият кучаяди.

Хусусан, вилоятнинг чекка нуқталаридан бири ҳисобланган Зармитан кон бошқармаси қошида партиянинг бошланғич ташкилотини тузиб, камчиликларга мурасасиз, сиёсий эътиқоди мустақам, ижтимоий адолатни ҳимоя қилишдан ва ўз фуқаролик позициясидан чекинмайдиган кишиларнинг бизга сафдош бўлаётганларидан очиги фахрланиб кетдик. Қаранг, БПТ ташкил топгандан сўнг кўп вақт ўтмай, унинг аъзолари меҳнат жамоасидаги муҳим масалани ҳал этиш таклифи билан аввал партия кенгаши, сўнгра депутатлик гуруҳига мурожаат қилишди. Урганлик чикилганда улар ҳақ эканликлари маълум бўлди. Яъни, салкам 500 кишилик жамоа меҳнат қиладиган корхонада ташаббусни ўз қўлларига олишлариға имкон бермоқда.

Албатта, бу ҳолдан кўз юмиб "шикоятчи" деган номни олмай ўз ишини бажариб юриш мум-

кин эди. Бироқ БПТ аъзоларини тартиб ўрнатиш истаги банд келди.

Эки бошқа бир мисолни келтирсам. Вилоятдаги юксак салоҳиятли саноат корхоналаридан бири саналган "СамАнтенгилма" қўшма корхонаси қошида тузилган бошланғич партия ташкилоти "Бионнурмедсервис" давлош-ташхис марказида БПТ билан ҳамкорликда "Соғлом бола йили"га бағишлаб кенг қўламли акция ўтказиш ташаббуси билан чиқишди. Унга мувофиқ акция ташкилотчилари вилоятдаги барча шаҳар ва тумандаги ижтимоий аҳоли ночор оилаларга бепул тиббий ёрдам кўрсатишди.

Демак, партия фаолларида шахсий масъулият, ташаббускорлик кучаймоқда. Бу борада партиянинг турли бўғинларида ўтказилаётган сиёсий ўқувлар, уларнинг мунтазамлиги ўз самараларини бермоқда. Негаки бу ўқувлар жараёнида партия фаоллари ўз ҳуқуқ, бурчларини ва жамиятдаги ривожланишлар моҳиятини чуқур тушуниб етмоқдалар. Ҳокимият тар-

Самарқанд вилоятининг ишлаб чиқариш салоҳияти юқори бўлган ўнлаб саноат корхоналари, ҳар кун юзлаб кишилар мурожаат қиладиган давлош-тиббиде муассасалари ва фуқаролик жамияти институтининг мустақам негизи ҳисобланган маҳаллаларда "Адолат" СДПнинг 385 та бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда.

моқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини юзага келтириш мақсадида қабул қилинган янги қонун асосида Конституциямизга киритилган тазатишларни тарғиб этиш адолатни, қонунийликни таъминлашнинг муҳим шарти. Шундан келиб чиққан ҳолда энди ижро ҳокимияти қандай ваколатларга суяниб ҳаракат қилади, унинг фаолиятини назорат қилишда парламент қан-

дай мавқега эга ва фуқароларнинг таъсир имкониятларини намоён этадиган жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг механизмлари нималардан иборат эканлиги ҳақида партия фаоллари аниқ тасаввурга эга бўлиб, электротат ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирмоқдалар. Партиянинг Ургут, Самарқанд, Пастдарғом, Каттакўрган, Тайлоқ туманлари кенгашилари ва уларнинг фаоллари хусусида шундай дейиш мумкин.

Партия фаолиятида эътиборга лойиқ яна бир муҳим ишни таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлажак сайловлар бизни ҳозирдан қўшма кўраб қўлишга иштирамоқда. Вилоят партия кенгаши сайловда партия муваффақиятини таъминловчи омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилишни режалаштирган. Шулардан энг асосийси сифатида биз бошланғич

партия ташкилотларини бевосита сайлов округлари худудидидаги меҳнат жамоаларида тузишга ҳаракат қилаёғимиз. Ҳозиргача 40 та янги БПТ айна шу худудларда ташкил этилиб, улар захирадаги номзодлар билан таништирилиб борилмоқда.

Тақрор айтмоқчиман, сайловлар натижаси партиямиз учун ниҳоятда муҳим. Чунки биз ҳокимиятда салмоқли ўринга эга бўлиб, дастурий гоғларимизни тўла-тўқис амалга ошириш орқали турмуш фаровонлигини юксалтириш ниятидамыз. Бу борада бизга ҳамкор, маслакдош бўлаётган фаолларимизга, депутатларимизга ва электротатимиз вакилларига ўзаро ишонч, ҳамжиҳатликни истаб қоламан.


Давлат мулкани бошқариш: янги қонун лойиҳасида тўлароқ акс этмоқда

Давлат мулкани бошқариш

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда давлат мулкани бошқаришнинг тартибига солишга қаратилган етарли меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди. Бугунги кунда давлат мулки билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик, Ер, Солик, Уй-жой кодекслари, «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, давлат мулки объектларини бошқаришнинг йўллари "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги, "Банкротлик тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Масъулият чекланган ва қўшимча масъулият жамиятлари тўғрисида"ги қонунларда ўз аксини топган. Аммо, ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат мулкани бошқаришнинг барча жиҳатлари тўлиқ қамраб олинмаган. Баъзи масалалар бўйича амалдаги қонун ҳужжатларида ҳар хил ёндашув мавжуд. Бундан ташқари, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат мулки ижтимоий эътиёжларни таъминлашга йўналтирилган оммавий мулк сифатида таърифланган. Давлат мулки сақланиши, самарали бошқарилиши, тасарруф этилиши, шунингдек, давлатнинг мустақиллиги, хавфсизлиги ва муқофаси қобилятини таъминлаш учун хусусий мулкнинг давлат томонидан харид қилиниши шартлари ва тартиблари бўйича аниқ ва ягона меъёрлар белгиланмаган. Хорижда жойлашган мулкларни бошқариш механизми, давлатнинг хўжалик жамиятлари, хўжалик бошқарув органларидаги ҳуқуқларига нисбатан давлат мулки ҳисоби ва уни ҳуқуқий таснифлаш имконияти мавжуд эмаслигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилиб, айна пайта Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ҳамда тегишли кўмита ишчи гуруҳи томонидан иккинчи ўқишга тайёрланаётган "Давлат мулкани бошқариш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ана шу масалаларда ҳуқуқий асосни янада мустақамлашни назарда тутган бўлиб, шу каби айрим муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Қолаверса, мулкни самарали бошқариш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган қонунчи қабул қилиш зарурати иқтисодиётимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар, шунингдек, соҳага оид қонунчиликни янада мустақамлашни талаб этмоқда.

Айтиш керакки, 11 та боб ҳамда 64 та моддадан иборат ушбу қонун лойиҳаси давлат томонидан мулк ҳуқуқларга эга бўлинидан бошлаб, то уларнинг бекор қилиниши пайтигача давлат мулкни бошқариш тизимини куришга йўналтирилган. Қонун лойиҳасида давлат мулкни бошқаришнинг ҳуқуқий асослари белгиланган. Хусусан, давлат, унинг маъмурий-ҳудудий бўлиналари томонидан объектларга бўлган ҳуқуқларни сотиб олиш, давлат мулки ҳисобланган объектларнинг ҳуқуқларини сотиш кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек, қонун лойиҳасида давлат мулкни бошқариш соҳасида давлат ҳокимияти органларининг тартиблари ва ваколатларини ҳамда давлат мулки ҳисобланган объектни нодавлат ташкилотларга фойдаланиш учун бериш ҳам назарда тутилган. Унга кўра, давлат акциядорлик жамиятлари ва масъулият чекланган жамиятларни ташкил этиши, уларнинг акциядори ва иштирокчиси бўлиши мумкин. Давлат томонидан хўжалик жамиятини ташкил этиш улушли иштирок мақсадида ва қонунчилик томонидан ташкилий-ҳуқуқий шаклга кўйилган талабларга қараб, асосан акциядорлик жамияти шаклида амалга оширилади. Қонун лойиҳасининг алоҳида бобида давлат улушларининг, яъни давлатнинг хўжалик жамиятларида улушли иштироки, хўжалик жамияти устав фондидаги давлат улушининг миқдори, давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятларида давлат вакилларининг фаолияти билан боғлиқ қонунлар акс эттирилмоқда. Давлат мулкни бошқарувчи органлар ваколатини чегаралаш ва давлат мулкни бошқариш соҳасидаги сиёсат учун жавобгарлигини ошириш ҳам назарда тутилгани, аиники, эътиборлидир. Шу ўринда, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ри-



Феруза ОМОНОВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

вожланган мамлакатларнинг соҳага оид қонунлари таҳлил-танқидий жиҳатдан ўрганилгани ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Унинг қабул қилиниши давлат даромадларини камайтириш ёки харажатларини кўпайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларига ўзгартишлар киритишни талаб этмаган ҳолда давлат мулкни бошқаришнинг асосий механизмларини яхлит қонун даражасида мустақамлашга замин яратади.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон "Адолат" СДП иқтисодиётда давлат иштирокини қўллаб-қувватлаган ҳолда, вазирилик ва идоралар фаолияти сифатини узлуксиз ошириш, самарали ишчи гуруҳини рағбатлантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларига ўзгартишлар киритишни талаб қилиб, фракциямиз ишчи гуруҳи томонидан мазкур қонун лойиҳасини навбатдаги ўқишга тайёрлаш жараёнида уни тақомиллаштиришга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Муҳтасар айтганда, қонуннинг қабул қилиниши давлат тасарруфида фақат асосий эътиёжларни қондиришда, аҳоли бўлган хўжалик жамиятларида давлат вакилларининг фаолияти билан боғлиқ қонунлар акс эттирилмоқда. Давлат мулкни бошқарувчи органлар ваколатини чегаралаш ва давлат мулкни бошқариш соҳасидаги сиёсат учун жавобгарлигини ошириш ҳам назарда тутилгани, аиники, эътиборлидир. Шу ўринда, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ри-



Феруза ОМОНОВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

вожланган мамлакатларнинг соҳага оид қонунлари таҳлил-танқидий жиҳатдан ўрганилгани ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Унинг қабул қилиниши давлат даромадларини камайтириш ёки харажатларини кўпайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларига ўзгартишлар киритишни талаб этмаган ҳолда давлат мулкни бошқаришнинг асосий механизмларини яхлит қонун даражасида мустақамлашга замин яратади.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон "Адолат" СДП иқтисодиётда давлат иштирокини қўллаб-қувватлаган ҳолда, вазирилик ва идоралар фаолияти сифатини узлуксиз ошириш, самарали ишчи гуруҳини рағбатлантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларига ўзгартишлар киритишни талаб қилиб, фракциямиз ишчи гуруҳи томонидан мазкур қонун лойиҳасини навбатдаги ўқишга тайёрлаш жараёнида уни тақомиллаштиришга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Муҳтасар айтганда, қонуннинг қабул қилиниши давлат тасарруфида фақат асосий эътиёжларни қондиришда, аҳоли бўлган хўжалик жамиятларида давлат вакилларининг фаолияти билан боғлиқ қонунлар акс эттирилмоқда. Давлат мулкни бошқарувчи органлар ваколатини чегаралаш ва давлат мулкни бошқариш соҳасидаги сиёсат учун жавобгарлигини ошириш ҳам назарда тутилгани, аиники, эътиборлидир. Шу ўринда, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ри-

Инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари мустақамланмоқда

Кўмита ййғилиши Мамлакатимизда изчил юқори ўсиш суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини оширишда инновацион фаолиятнинг ўзига хос ўрни борлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Мутахассисларнинг ҳаққаро миқёсдаги таҳлилларга таянган ҳолда таъкидлашларича, мамлакатларнинг инқироздан чиқиш вазифаларини ҳал этиш ва иқтисодий ривожланишнинг динамик барқарорлигини таъминлашда биринчи навбатда инновация ва инновацион фаолият асосий роль ўйнайди.

Чунки, инновация фаолиятигача ишлаб чиқариш базасини техник ва технологик жиҳатдан тўхтовсиз янгилаш, замонавий технологияли корхоналарни ташкил этиш, табиий ресурслардан умумий фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, жаҳон товар ва хизматлар бозорига самарали кириб бориш, умуман, иқтисодиётни юксалтиришга эришиш омили ҳисобланади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологияларни ривожлантириш



лат томонидан қўллаб-қувватлашни борасида махсус фармон қабул қилинди. Президентимизнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига муявофиқ пойтахтимизда мунтазам равишда Инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмарка-

си ўтказиб келинмоқда. Бундай ярмаркаларда кўплаб янги ишланмалар намойиш қилиниши, уларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан шартномалар имзоланмоқда. Бироқ ҳозирги кунда республикамиз қонунчилигида инновациялар ва инновацион фаолият соҳасида, ушбу фаолият иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни, апробациянинг самарали механизmlарини яратиш, истиқбол-

ли илмий ишланмаларнинг жорий этилиши ва саноатда ўзлаштирилиши тартибининг ўз ичига олган ягона ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Шу боисдан ҳам Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида "Инновациялар ва инновацион фаолият тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган. — Инновацияларни тадбир-

корлик фаолиятига кенг жалб қилиш ва шу орқали мамлакат иқтисодий ривожланишини юксалтириш мақсадида инновация фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси А.Раҳмонов. — Бу соҳада қонун қабул қилиниши инновацион фаолиятни оширади, инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини яратади, инновация фаолияти субъектлари ўртасидаги ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солиди, давлат инновация сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш асосларини белгилаб беради. Шунингдек, илмий ишланмалар ва технологияларни яратувчилар, давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўладилар, бу эса ўз навбатида олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларнинг илмий изланишлар савиясини ошириш, натижаларнинг муҳофазасини таъминлашга бўлган манфаатларини кучайтиради ҳамда инновацион тадбиркорликни кескин ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлади.

Шубҳасиз, келажак — инновацион технологияларни эғаллаган, уни амалиётга татбиқ эта олган давлатники, деган тушунча давримизнинг аксиомига айланган. Зеро, айнан инновацион иқтисод мукаммал ташкил этилган ишлаб чиқариш ҳажми ошиши, янги иш ўринлари кўпайиши, ташкил свандо айланмаси ортиси, инвестициялар оқими кучайиши, маҳсулот сифати жаҳон стандартларининг ҳуқуқий қўриғи бўлиши, иш самарадорлигининг юксалиши учун хизмат қилади. Шу билан бирга тадбирда инновация фаолияти субъектларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилишининг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, солиқ, боғжона имтиёзлари ва преференцияларини тақдим қилиш шакллари, иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни, маҳаллий интеллектуал мулк объектларини жорий этишни рағбатлантириш бўйича шароитлар яратишга кўмаклашиш механизмларини янада тақомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.



ТАШАББУС, ИЗЛАНИШ, НАТИЖА

Reklama o'rnida

Молия муассасаларида

«Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банк мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоқ қилиш борасида олиб борилаётган долзарб чора-тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришда ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Банкнинг вилоят бошқармалари ва филиаллари томонидан олиб борилаётган кенг сай-ҳаракатдаги амалий натижалар тудайли юртимизнинг олис худудларида ҳам замонавий ишлаб чиқариш объекти ишлаб туширилиши, кўпга тадбиркорларимиз лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилишига ҳам сабаб бўлаётган. Мазкур ижобий ишлар сабаб, жойларда янги иш ўринлари яратилиб, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга, юртимиз иқтисодий тараққийига хизмат қилаётган.

Барчамизга маълумки, Навоий вилояти мамлакатимизнинг энг йirik саноатлашган худудларидан саналади. Истиқлол йилларида мазкур вилоятга бўлган эътибор янада ошди. Айниқса, хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг сони ортиб бораётгани юртимизда инвестицион соғлом муҳит яратилганидан далолат беради. Ушбу жараёнда «Агробанк»нинг Навоий вилоят бошқармаси ва филиаллари фаол иштирок этаёпти. Масалан: Навоий шаҳрида фаолият юритаётган «Навоий логистик» хусусий корхонаси амалга оширилган ишлар киши диққатини ўзига тортади. Хусусий корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб анча юқори.

Корхонани ташкил этишда, фаолиятини ривожлантиришда бизга «Агробанк» томонидан берилган кредит маблағлар жуда асқотди, — дейди корхона раҳбари Саид Афоқов. — Қурилишбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик цех имкониятларини ва маҳсулот қўламини ошириш учун банкдан 288 миллион сўм кредит олдик. Олинган маблағ эвазига корхонани кенгайтириш билан бирга 10 та янги иш ўрни яратдик. Ҳозирги кунда корхонамизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларидан вилоятимизнинг турли худудларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида кенг фойдаланилапти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳам банк томонидан соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредит маблағлари ҳамининг ошаётганини кузатиш мумкин. Банк томонидан мазкур соҳани ривожлантириш мақсадидаги йўналтирилган маблағлар сабаб, тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб ошди, сифат кўрсаткичлари ҳам юқори босқичга кўтарилганлигини айтиш жоиз.

Навоий, Бухоро томонларида Қизилтепа туманининг Ванғозидеги қишлоғида тайёрланадиган сўт маҳсулотларининг довури ана шундай эътибор ва гамхўрлик сабаб кенг ёйилган. Шундан бўлса керак, худудда истиқомат қилаётган аҳрлининг аксарияти чорва молларини қўнайитиришга интилади. «Агробанк»нинг

Навоий шаҳридаги «Афсона Умид» хусусий корхонаси трикотаже маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иштирок этган. Ўзининг маҳсулотлари билан ички бозорда муваффақият қозонган «Афсона Умид» қўшма маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қўшилган бўлса, буғунга келиб бу кўрсаткич ўнбешга етди. Бу ерда олти нафар ёш мутахассис иш билан таъминланган.

Суратда: ички Нигора Қаримова.



С.АСЛОНОВ (ЎЗА) ювган сурат.

Қонун билимдонлари танлови

Бухорода ўрта махсус, касб-хўна таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, ўрта махсус, касб-хўна таълими бошқармаси ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда кўриб чиқилган

голиб бўлган 14 жамоа ўзаро беллашди. Танловда иштирокчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила ва Меҳнат кодексларининг ёшларга оид бандлари ҳамда Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловлар, сайловчиларнинг ҳуқуқлари, аҳолини иш билан таъминлашга оид қонунлар, ҳуқуқат қарорлари бўйича ҳуқуқий билим даражаси савол-жавоблар

орқали аниқланди. Ўқувчилар томонидан намойиш этилган тергов ва суд жараёнига оид саҳна кўринишлари асосида уларнинг ўз ҳуқуқий билимларини амалда қўлай олиш қобилияти синовдан ўтказилди. Бухоро иқтисодиёт ва банк колледжининг «Парламент» жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Э.ЭДГОРОВ, ЎЗА муҳбири

Фариштали момо

«Аёллар қаноти» ташаббуси Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти кенгаши «Аёллар қаноти» фаоллари Хотира ва қадрлаш куни арафасида аср билан бўйлашиб, бугун кексалик гаштини сураётган фахрий онахонларни йўқлашди. Уларнинг бу хайрли ташаббусидан қалби қувончга тўлган онахонлардан бири 104 ёшли Сурмаҳон момо Ғофуровадир.

бажараётгани янада ҳавасингизни оширади. Қаҳрамонимизнинг ҳаёт йўли ибрат оларли. 1 ўғил, 3 қизни эл қаторига қўшди. Уларга ҳалолликдан, меҳнатни севмисдан сабоқ бергани сабаб тўрталаси ҳам оналари орзулагандек инсонлар бўлиб яшамоқда. Бугун уларнинг қаторига қўшилган 23 набаираси, 41 чевараси ва яна 2 нафар жажжи звараси тўпланса, катта хонадонга янада файз кириб, нақд тўй бўлиб кетади. — Катта Фаргона канали қурилишида ҳамма қатори ишладим. Колхозда бир коса ата-лалани қилдим, эртадан кенгача меҳнат қилдим, — дея олис хотираларни эслайди Сурмаҳон момо. — Айниқса, уруш йилларидаги қийинчиликлар кечадигек кўз олдимда. Оти ўчсин урушинг. Қанчадан-қанча алпкелбат йигитлар кўкрагида кўрғош билан бегона юртдан қўлга келди. Эй болам, тинчлик-осойишталигимизни қадрламоқ учун ҳам ўша машаум урушинг қулфатларини эс-лаб туришимиз керак. Очликни ҳам, борлиқни ҳам

юз-кўзларидан нур ёғилиб турган онахоннинг ўзига ярашиб турган ажинларида узок ҳамда машаққатли умр йўллари акс этгандек, гўё. Шинам ва файзли хонадонга фариштадек файз кирипти ўтирганини айтмайсизми. Набаираси қўшиларида «Бизниқанда бир темир хотин бор, на кун чиққанини, на ботганини билади», дея ҳазиллашиб қўяди. Бу бажиз эмас. Чунки, Сурмаҳон момо хамиша қарилкача бўй бермай, бирон юмуш билан банд бўлади. Кош қорайғач, қўлига игна-

ини олиб, чорси тиқишга киришди кетди. Қат-қат тўшакларда беозоргина ўтирган онахон ташрифимиздан қувониб, узундан-узок дуога қўл очди. Ўрт тинчлиги ва бугунги фаровон кунларга шукрона келтирди. Тўғриси, момонинг дадил гап-сўзларидан, кўзларидан ёниб турган шижоатидан, ҳаётга бўлган муҳаббатидан сира юз ёшдан ошганига ишонгингиз келмайди. Ҳазил-мутойибага бой сўхбатларини эшитиб, аксинча, ўзингизни анчайин ёшариб кетгандек ҳис қиласиз. Мўъжазгина хонадаги гулларни парваришлашни ҳам ўзи



Маънавият ва ғурур қошонаси

18 май — Халқаро музейлар куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Темурийлар тарихи давлат музейи бизга «тарихни кўриш» имконини берувчи беқиёс қимматли даргоҳ ҳисобланади. Ушбу маънавий маскани Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида бунёд этилган, 1996 йил 18 октябрда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйи муносабати билан тантанали суратда очилган.



Музейнинг асосий мақсади Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражасига эришганини таъминлаш, тарихий ҳақиқатни аниқлиқ билан таъриф қилиш, чукур инсонпарварлик руҳи билан сўғорилган тарихий ютуқларимиз ва анъаналаримиз асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдир. Ҳақиқатдан ҳам, музей кўргазмалари бўйлаб қилинган биргина экскурсия катта бир тарих китобини ўқиб чиқиш билан тенг. Музейда ўтказиладиган очик дарсларнинг аҳамияти жуда катта. Шуниси қувонарлики, бугунги ёшларимизда ўз тарихимиз ва буюк аجدодларимиз ҳақидаги маълумотларга кизиқиш ортиб бораётган. Ушбу даргоҳларимиздаги дарс машғулотларида кўйдаги каби саволлар жуда кўп берилиши ҳам шундан дарак:

хикоза қуроллар қандай кўринишда бўлган? — Исфаҳоний қилич билан дамашқий қиличнинг фарқи нимада? «Камони чочий»нинг Ромбин Гуд камонидан фарқи нимада? Қорура, тўфанг, манжанақ, палаҳмон... каби қуроллар қандай кўринишда бўлган? — Боболаримиз хангада қийган зирх, совут ва жавшаннинг фарқи нимада? — Совут ва дубулгаларининг шакли қандай бўлган? (Соҳибқирон Амир Темур бобомиз биринчи бўлиб қуйруқ турларига қўра фарқланувчи ҳарбий форма — либосларини жорий этганлар).

Музейга кирган заҳоти муҳташам залнинг қоқ ўртасида турган муқаддас маънавий ёдгорлик — Мухсафи Усмонидин асл ўлчамдаги нухсаки диққатни тортади. У махсус таглик — лавҳ устидо очик турибди. Худди шу лавҳнинг мармардан ясалган улкан, асл нухсаки Самарқанддаги Бибиҳоним масжиди ҳовлисининг ўртасида савлат тўйиб турибди. Ийдмон-эътикод ва юксак маънавийтаълимни акс эттирувчи ушбу кўргазмадан хайратингиз тугамаёк, ниғохлар юксакка — олтин нақшлар билан зийнатланган гулбаз остидоги улкан қандилга қаратилди. Соҳибқирон салтанатининг бойлиги ва хашаматидан сўзловчи бу қандилнинг оғирлиги қарийб 2,5 тонна келади.

Асосий залдаги «Буюк Соҳибқирон — буюк бунёдкор» деб номланган маҳабатли панно нафақат Соҳибқирон фаолияти, балки кўнча ва улғувор тарихимизни гоятда теран, фалсафий акс эттиради. Суратларда улғув бобокалоннинг таваллуд топшидан абадиятга сафаригаҗа,

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ, Амир Темур халқаро экспедицияси раҳбари



бошимиздан ўтказдик. Лекин ҳозиргидай дориломон кунларни орзу қилганмиз, холос. Юртимизнинг йилдан-йилга чиroy очаётганлигини телевизорда ларидаги қийинчиликлар кечадигек кўз олдимда. Оти ўчсин урушинг. Қанчадан-қанча алпкелбат йигитлар кўкрагида кўрғош билан бегона юртдан қўлга келди. Эй болам, тинчлик-осойишталигимизни қадрламоқ учун ҳам ўша машаум урушинг қулфатларини эс-лаб туришимиз керак. Очликни ҳам, борлиқни ҳам

Акбаржон НАЗАРОВ

ДОНОЛАР АДОЛАТ ҲАҚИДА Фақат инсонни ҳаёвий орқалигина адолатпарвар бўлиш мумкин. А.Вовенарг, француз ёзувчиси. Адолатсизликни бир киши қиладими ёки кўпчиликми, барбир у мувофиқдир. Г.Спенсер, инглиз файласуфи.

ADOLAT ижтимоий-сиёсий газетаси. Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши. Тажриб ҳайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Мамазоир ХУҶАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Мухаммад АЛИ, Таъбат МУРОДОВ, Тошмўлат МАТИБАЕВ, Алиншер МУМИНОВ. Бош муҳаррир вазифасида бўлган: Абдували САЙИДНАЗАРОВ. Бўлимлар: Партиа турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, маънавият, ҳаётлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Қўбхўна — 288-42-23, 288-46-64 (141) факс; Котибийат — 288-46-64 (144). Навбатчи муҳаррир — Қ.Қўлошев, Навбатчи — Ф.Жураев. «Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рұхсати билан амалга оширилади. 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган. Таҳририят маъноси: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарк тонги» кўчаси, 23-уй. info@adolat.uz / adolat_gazeta@mail.ru. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган. 12345